



SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!


O'ZBEKISTON OVOZI

2018-yil, 5-may, Shanba 46 (32.414)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустақамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Сийёсий ирода ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш туфайли Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган муносабатларда мавжуд улкан салоҳият тўлиқ рўйбча чиқётгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Ҳамкорликнинг эришилган юксак даражаси қардош мамлакатлар ва халқлар шериклигининг ёрқин намунаси экани алоҳида қайд этилди.

Қисқа муддатда ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича улкан

натижаларга эришилди. Икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинди, 15 март куни Остонада унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми изчил ўсиб, иқтисодийнинг турли соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Худудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Авиаваровлар сони, автомобиль ва темир йўл ташувлари кўпайди, автобуслар катнови тикланди. Маданий-гуманитар ва сайёҳлар алмашуви кенгаймоқда.

Шу маънода, қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришнинг самарали механизми бўлган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти амалий натижалар бераётгани таъкидланди.

Мулоқотда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қaratилди. Жорий йил март ойида Остонада бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг биринчи саммити самарали натижалар бергани мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сийosat ва минтақавий ҳамкорлигининг қатор долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Сўхбат якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида серқирра ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда кўп асрлик дўстлик ва шериклик алоқаларини мустақамлаш борасида қатъий эканликларини таъкидладилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Аскар Маминини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлаган экан, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро комиссияси самарали фаолият кўрсатаётгани ва амалий натижалар бераётганини мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат Бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари раислик қилаётган комиссия бугунги кунгача 17 мажлис ўтказди, жумладан, охириги мажлис жорий йилнинг март ойида Остонада бўлиб ўтди. 4 май куни Тошкентда комиссия ҳамраислари амалий музокаралар ўтказди.

Учрашувда Президентимиз савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, истиқболли лойиҳа ва дастурларни

биргаликда амалга ошириш муҳим эканини таъкидлади.

Ўз навбатида, Аскар Мамин давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Қозоғистон олий даражада эришилган келишувларнинг сўзсиз ва ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли шериклиқни янада ривожлантириш ва мустақамлашга тайёр эканини қайд этди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар қўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қaratилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда, фуқароларнинг сийёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўққонлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини далолат бермоқда. Хусусан:

Биринчидан, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат

ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаётган, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инobatла олишга имкон бермаётган;

Учинчидан, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий гояларини ҳақиқатда илгари суришга қaratилган ҳамкорлигининг самарали механизмига айлана олмайди;

Тўртинчидан, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сийёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион гояларни тақлиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари позим даражада амалга оширилмаётган;

Бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш

жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгилловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва говлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайд;

Олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қaratилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватлаш идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишининг ягона механизми мавжуд эмас;

Еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ханузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг қўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаётган.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

Давоми 2-бетда. ►

ЭЛДОР АЙТМАТОВ: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚАРОРИ ҚИРҒИЗ ХАЛҚИНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРИБ ЮБОРДИ...



Элдор АЙТМАТОВ,
Чингиз Айтматов номидagi халқаро
фонд президенти:

— Ўзбекистонда Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президент қарори қирғиз халқини тўлқинлантириб юборди. Уша лаҳзаларда кўнглимдан ўтганларини рост, сўз билан ифодалаб беролмайман. Бу тарихий воқеа эди. Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги неча минг йиллик дўстлик алоқаларини мустақамлаш йўлида ташланган яна бир дадил қадам эди.

Айтматовлар oilаси номидан муҳтарам Шавкат Мирзиёевга чексиз миннатдорлик билдираман. Отамнинг 90 йиллик юбилеи Ўзбекистонда нишонланиши, номи шарофланиши, асарлари нашр этилиши ҳаммамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Шавкат Мирзиёев ҳар гал давлат ташрифи билан Қирғизистонга келганда, қардош халқларнинг жипслашуви юзасидан гоьлар бериш билан бир қаторда, жуда катта эҳтиром билан Чингиз Айтматов шахсига албатта, ўз муносабатини билдириб ўтади, ёдга олади.

Алоҳида эътироф этиш керак, Ўзбекистон, Туркия — Чингиз Айтматов

юбилейини ўтказиш масаласига давлат сийёсати даражасида, биринчилар қаторида эътибор қaratган давлатлар ҳисобланади.

Чингиз Айтматовнинг асарлари Марказий Осиёнинг ҳеч бир давлатида Ўзбекистондагидек қадрланмайди, мутлоа қилинмайди.

Чингиз Айтматов тили, дини, маданияти бир туркий халқлар — Марказий Осиё мамлакатларининг алоқалари мустақам бўлишини истарди. Назаримда, айнан Ўзбекистон Президентининг бугунги ислохотларини қўғганида отамнинг орзулари, армонлари ушалган бўларди.

Чингиз Айтматов Ўзбекистонни жуда яхши кўрарди, халқингизга ҳурмати чексиз эди. Отам билан Тошкент, Самарқандга саёхат қилганимиз ҳамон ёдимда. У ўзбек халқининг буюк ва қадимий тарихига ҳамisha ҳурмат ва эҳтиром билан қарар эди.

Отам биз фарзандларини ўзгача меҳр билан яхши кўрарди. Бирор марта овозини баландлатиб гапирганини эслолмайман. Ҳатто бизнинг баҳс-мунозараларимизни тинглаб оқилона ечим-хулосасини билдирарди. Отамни нафақат бизнинг, балки дўстларимизнинг ҳам

муаммолари қизиқтирарди. Жуда жонқўяр, ғамхўр эди. Бирор жойда ушланиб қолсак, ухласадан кутиб ўтирарди. Энг асосийси, отам бизни болалигимиздан китоба меҳр қўйишга, кўп ўқишга ундаган. Мен отам билан бирга вақт ўтказиш-ни яхши кўрардим. У ўз хонасида ишлар, мен мўйқаламда расм солардим. Отам ҳамма чизган суратларимни хонасининг деворига осиб қўярди.

Биз отам билан барча юмушларни мумтоз куй тинглаб бажарар эдик. Ҳозир бу воқеаларни сизга айтиб бераёлман-у, ҳаммаси кино лентасидай бир-бир кўз ўнгимдан ўтаётган. Вақт олий ҳакам, хотиралар инсон кўнглига таскин беради. Мен отамга ҳам котиб, ҳам таржимон эдим. Сўнгги кунларигача унинг ёнида бўлганим учун тақдирдан жуда миннатдорман.

Чингиз Айтматовнинг 90 йиллиги олдиндан III Иссиқкўл форуми ўтказилиши кўзда тутилган. Унга бутун дунёдан адабиёт илосомандлари ташриф буюради. Биз албатта Ўзбекистон делегациясини ҳам интизорлик билан кутамиз...

Тўмарис АЪЗАМ
ёзиб олди.

МАРДЛИК, БУРЧ ВА САДОҚАТ



УРУШ ФАХРИЙЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов 9 май — Хотира ва қадрлаш куни олди-дан Нукус шахрида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонида бўлиб, байрам совғаларини топширди.

«Халқлар дўстлиги» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Нурилла Абдуллаевга Президентимизнинг эсдалик совғаси — қўл соати, 5 миллион сўм миқдоридagi

бир марталик пул мукофоти тантанали тарзда топширилди. Шунингдек, Нукус шахар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари номидан ҳам совғалар топширилди.

— Биз, уруш қатнашчиларига кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдираман, — дейди Нурилла ота. — Ҳеч қачон, ҳеч қерда уруш бўлмасин, ёшлар доимо шундай тинч ва бахтли турмуш кечирсин.

Бердақ номидagi Қорақалпоқ давлат академик мусиқа театри, Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри артистлари, санъат усталари ижросидаги уруш йиллари қўшиқлари тадбирга алоҳида завқ бағишлади.

Шу куни Нукус шахри Абдулла Қодирий кўчасида яшовчи уруш фахрийси Қадирбой Нармановга Президентимиз номидан совғалар топширилди.

А.НАСИРЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — Туркия: Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Туркия Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи қўллаб-сабабларга кўра тарихий воқеа бўлди. Икки давлат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон ўртасида олиб

борилган олий даражадаги музокаралар ва уларнинг якунлари бўйича имзоланган 25 ҳужжат Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ
ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ тартибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳолашни кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрлашини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқро тажрибани ўрганишда ва ушбу

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб:

рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан амаллаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низоомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоиздан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг раҳбарларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиш режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига; нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой муддатда:

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қўний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин ҳамда улар ўз фаолиятини амалга ошириши давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: тегишлинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг муассисларидир.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулк объектлари негизда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қўнун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қўний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

қўнун ҳужжатларини бузётган ва тақиқланган фаолият билан шугулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилни соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ва қолатли органни белгиланган ҳолда, Гуманитар ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги тахририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (қўнгилчилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбо-сарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топширилган «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.П.Иноятов ва Р.Т.Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 май

ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ ҲУДУДЛАРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатларидан таркиб топган гуруҳ Тошкент шаҳар Миробод туманида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодий-тармоқлари ва ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганди.

Ушбу ўрганиш Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши сессиясида мазкур ўрганишларнинг натижаси муҳокама қилинди. Унда Қонунчилик палатаси депутати, ишчи гуруҳ раҳбари Р.Қўшербоев ахборот берди.

2017 йилда Миробод туманида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 117,3 фоизга, чакана савдо айланмаси 109,8, жами хизматлар 119,7, пудрат қурилиш ишлар ҳажми 107,4 фоиз ўсишига эришилган. Ўтган йилда туманда кичик бизнес субъектлари 4407 та бўлиб, шундан 731 таси янгидан ташкил этилган. 2017 йил якуни бўйича туманда маҳаллий бюджет даромадлар режаси 10,2 миллиард сўмга орттиги билан бажарилган. Ушбу маблағлар тумanning ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, таълим муассасаларини ҳамда ободонлаштириш соҳасини

ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга йўналтирилган.

2016-2018 йилларда Миробод туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 143 лойиҳа ишга туширилиши натижасида минта яқин қўшимча иш ўрни яратилган.

Мавжуд камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, умумтаълим мактабларининг айрим синфларидида ўқувчилар меъёрдан кўп. Тумандаги барча мактабларда информатика хоналари компьютерлар билан таъминланган бўлса-да, улардаги 11 фоиздан кўпроқ компьютерлар яроқсиз ҳолатда ва маънавий эскирган. Мактабларни дарсликлар билан таъминлаш тизимида ҳам камчиликлар мавжуд. Олиб бориладиган ишларга қарамадан, муқаддам судланган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ошганлиги танқидий таҳлил қилинди.

Миробод тумани ҳокимлиги уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд оилаларга Сергели туманида имтиёзли кредит асосида қуриладиган кўп қаватли уй-жойлардан квартира ажратиш борасида 2017 йилдан шу кунга қадар мингдан зиёд фуқародан ариза тушган. Шулардан 478 тасига комиссия ҳулосасига асосан уй-жой берилган.

Сессия йилигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев сўзга чиқди.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

«Ҳар бир инсонга меҳр – мурувват
кўрсатиш — бурчимиз!»

Лойиҳаси асосида Ўзбекистон ХДП Косон туман кенгашида амалий тадбир ўтказилди. Партия фаоллари ва депутатлар тумандаги ногиронлиги бўлган кишилар, яқка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишди.

Халқ депутатлари Косон туман Кенгаши депутати Дўстмурод Боборажабов ва ишчи гуруҳ аъзолари «Нартибалад» маҳалласида бўлишди. Болалигидан ногиронлиги бўлган Сабина Сайфуллаева яшаётган хонадонга боришди ва унга депутат

ёрдами билан махсус аравача топширилди.

— Қизим Сабина жуда иқтидорли, — деди онаси Майсара Жўраева. — Шеър ёллашни яхши кўради. Кўпроқ вақтини табиат қўйнида ўтказишни истайди. Афсуски, қизим катта бўлгани сари уни кўтариб юришга қийналялмиз. Бу ҳақда маҳалламизда сайёр қабул ўтказилганда келган депутатларга мурожаат қилгандим. Бугун қизимга ногиронлик аравачаси олиб келишибди. Барака топширсин.

Султонмурод РАҲИМОВ

АҲОЛИ БАНДЛИГИ —
МУҲИМ МАСАЛА

Урганчада «Аҳоли бандлигини таъминлаш — долзарб ижтимоий масала» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят бандлик бош бошқармаси масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Марказий банк Хоразм вилояти бўлими, вилоят солиқ бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, касб-хунар таълими бошқармаси, Урганча шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, вилоят ногиронлар жамияти ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари иштирок этди.

Президентимизнинг 2017 йил 6 майдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудий органлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлашда

муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Ҳар йили янги иш ўринлари яратиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилиб, парламент томонидан тасдиқланади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Р.Собуров. — Шундай бўлса-да, бандлик масаласи ҳамон долзарблик қолмоқда. Масалан, вилоятимизда жорий йилда иш билан банд бўлмаган аҳолини пуллик жамоат ишларига жалб қилиш учун 42 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган, лекин биринчи чорада атиги 2 миллиард сўм ўзлаштирилган, холос. Демак ҳали вилоятда бу борада қилинадиган ишлар кўп.

Тадбирда Президент фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича соҳа ходимлари томонидан маълумот берилди.

Ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш, банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш орқали уларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида қилинган ишлар, бу борада йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр алмашилди.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — Туркия:

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:



Гулноза САДРИДДИНОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
46-оилавий поликлиника
бош шифокори,
Шайхонтоҳур туман
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси:

— Инсонлар бир-бир-ларига яхши ният билди-ришса, тинчлик ва садо-катли дўст доим ҳамроҳ бўлишни тилайди. Тинчи, дўсти бор одамни бахтли инсон, деб аташади.

«Кўшнинг тинч, сен тинч», деган мақолда ҳам катта ҳикмат борлиги ҳаммамизга аён. Ён кўшнилари билан му-носабатларимиз яхшила-ниб, дўстона алоқари-миз фаоллашиб борапти. Ўртадаги тўсиқлар олиб ташланмоқда. Қозоқ, кир-гиз, тоjik, туркман, бу-гун турк қардошларимиз билан борди-келдимиз янги босқичга кўтарилди.

Ўтган йилнинг 25-26 октябр кунлари Прези-дентимизнинг Туркияга ташрифлари фойда самар-лари кечган бўлса, куни-кеча Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон жаноблари юртимизда бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Туркия Президенти раҳ-барлигидаги делегация-нинг ташрифи дўстона муносабатларимизни амалда яна бир бор на-моён этди. Президент-нинг халқимизга чексиз ҳурматида қалбларимиз нурга тўлди.

Айниқса, дунёда тинч-лик ўрнатиш бўйича Ўзбе-кистон ташаббусларига алоҳида тўхтади. Қўра-мизки, нафақат бизнинг тилимизда, дўстларимиз, қардошларимиз тилида ҳам янги сўз тез-тез иш-

латилаёпти. Бу «Ўзбеки-стон ташаббуслари», деган эзгу го-я мужассам бўлган сўз. Тинчликпарварлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро му-ро-са ва музокара го-ялари билан суғорилган таклиф-ташаббуслар «Ўзбекистон ташаббуслари» номи билан дунёга машҳур бўла-ёпти.

Туркия Президенти ўз нутқида юртимизнинг 33 миллионлик ва Туркия-нинг 81 миллионлик халқи товар айирбошлаш ҳаж-мини 1,5 миллиарддан эгиз келажакда 5 милли-ард долларга етказиши, деб ишонч билдирди.

Шунингдек, олий мар-табали меҳмон Ўзбеки-стонда демократияни мус-таҳкамлаш, давлат ва жа-мият қурилишида парла-ментнинг роли ошаётган-лигини алоҳида эътироф этди. Қонунчилик палата-сида 23 дўстлик гуруҳи фаолият олиб бораёпти. Ўтган йили Туркия Буюк Миллат Мажлиси билан Ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Парла-ментимизда «Ўзбекистон-Туркия» дўстлик гуруҳига асос солинганлиги ҳам-корлик ришталарини яна-да мустаҳкамлаш имкони-ни бермоқда. Парламен-тимиз аъзолари Туркия Буюк Миллат Мажлисида бўлишиб, ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Парла-ментлараро ҳамкорлик давлатларнинг ўзаро ҳам-жиҳатлиги катта ҳисса қўшади. Зеро, ҳамкорлик ҳақида эзгу ниятлар рў-бини таъминлайди.

— Эътиборимни тортган жиҳат шуки, Туркия давлати билан тиб-биёт соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Натижада икки мам-лакатнинг соҳадаги кўзга кўринган илмий текшириш институти ўрта-сида тажриба алмашинуви жадалла-шади. Тизимда юқори кўрсаткичларга эришилади. Соҳа ривож-и аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифа-тини янада ошириши шубҳасиз.



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Туркия Президентнинг тари-химиз, маданиятимиз, урф-одатла-римизни яхши билиши мамлака-тимизга, халқимизга бўлган чексиз ҳур-мат-эҳтиромидан далолатдир. Мамлакатимизда тадбиркор-

Туркия охириги йилларда тибби-ёт соҳасида кўплаб тажрибага эга бўлди. У ерда тиббий суғурта яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир шифохо-насида юқори даражада хизмат кўрсатилади. Ходимларнинг билим ва малакасини ошириш масаласи-га ҳам алоҳида эътибор қаратила-ди. Уларнинг ўқиши, замонавий тиббиёт сирларини чуқур ўрганиб, билимларини бойитиши учун кат-та маблағлар йўналтирилади.

Айтиш керакки, туркияликлар нафақат тиббий хизмат турларини, балки улар учун ишлатиладиган ас-боб-ускуналар ҳамда дори восита-ларини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиб борасида изланмоқ-да. Масалан, томография, ультра-товуш каби замонавий диагностика ускуналарини ишлаб чиқаришни ўргатишга ихтисослаштирилган курсларни очиб арасида. Мухи-ми, ҳамкорлик асосида ушбу таж-риба ўзбекистонлик ёшларга ҳам ўргатилади. Йирик тиббиёт билим юртлида малака ошириш, дав-лат грантлари асосида фарзандла-римизнинг ўқитилиши тизим истикболга хизмат қилади.

Тажриба алмашинуви мақсадида Тошкентда ҳамкорликдаги жарроҳ-лик амалиётлари ўтказилмоқда. Юртимиздаги саломатлик ҳафта-лиги давомида Туркия ва Ўзбекис-

Туркия давлати билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Натижада икки мамлакатнинг соҳадаги кўзга кўринган илмий текшириш институти ўртасида тажриба алмашинуви жадаллашади. Тизимда юқори кўрсаткичларга эришилади.

тонлик врачлар иштирокида пласт-тик жарроҳлик йўналишида амали-ёт ўтказилди. Бир гуруҳ фуқаро-лар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволанди. Кардиология, урология, ортопе-дия, генетология каби йўналиш-ларда ҳам ҳамкорликдаги опера-циялар қилинмоқда.

Муносабатларнинг шу зайдда давом этиши икки халқ учун янги тарих саҳифаси очилаётганидан далолат беради.

Туркия Президентининг тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизни яхши билиши мамлакатимизга, халқимизга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

ичида ўз рўйбини топади ва хал-қимизга чексиз ҳурсандчилик бахш этади, албатта.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.



МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ БУРЧИМИЗ

Халқимиз орасида азал-азалдан инсонларга меҳр-оқибат кўрсатиб кел-линган. Партия дастурий мақсадларига мос равиш-да кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳаёти билан танишиб бориш ани-анага айланган.

— Муассасамизда 137 нафар хизматчи ходим 235 хотин-қизларга хизмат кўрсатади, — дейди **Му-рувват ногирон хотин-қизлар интернат уйи ди-ректори Лидя Ким**. — Интернатта 18 га тўлган ва ундан катта ёшдаги ноги-ронлиги бўлган хотин-қиз-лар қабул қилинади. Улар-нинг муносиб турмуш ке-чириши учун, шароитлар етарли. Баъзи меҳнатга лаёқатлилари пайпоқ тў-қиш билан ҳам шуғуллана-ди. Кутубхонани имкон қадар китоб захиралари билан бойитишга ҳаракат қиламиз.

Интернатда яшовчилар йилига 2 марта тиббий кўриқдан ўтказилади.

Кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари шартнома асосида сотиб олинмоқда. Лекин ногиронлиги бўлган хотин-қизларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун зал йўқ. Шу боис хомий ташкилот-лар томонидан берилган инвентарлар фойдаланил-май турибди.

Шунингдек, у ердаги опа-сингилларимизга шах-сий гигиена анжомлари етишмаслиги айтилди. 22 нафар интернатда яшов-чилар учун биометрик пас-порт олиш билан боғлиқ масалада кўмак сўралди. Ўрганилган камчиликлар ечими юзасидан депутат-лар тегишли ташкилотлар-га, мурувват, билан чиқиш-ди. Тез орада масалалар ҳажобий ҳал этилиши хақида ваъда берилди. Мурувват уйида истиқомат қилаётганлар-нинг кўнглини кўтариш мақсадида маданий-маъ-рифий тадбирлар ҳам ташкил қилинмоқда.

Минажатдин КҲЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

4 ФОИЗЛИ КРЕДИТ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?..

Маҳаллага мурожаат қилинг

Чиноз тумани 14-сонли мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Партия фаоллари билан бирга манзилга етиб борганимизда соат эрталабки 9 га яқинлашиб қолганди. Тадбир бошланганига анча вақт бор бўлса-да, ҳовли одамлар билан тўла эди.

— Фуқароларимизда давлат идораларига, сиёсий партия-ларга нисбатан ишонч сези-ларли даражада ортомқда, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрош Дархон**. — Рост, олдинла-ри бирор тадбир ўтказишни режалаштирсак, одам йиғиш қийин бўларди. Уларнинг кўпчилигида партияга мурожа-ат қилиш орқали масала ечим топмайди, деган ўй бор эди. Семинарларда мутасадди таш-килот вакиллари иштирокини таъминлаш ҳам жуда муҳим ма-сала ҳисобланади. Аммо таш-килотларга хат жўнатиб, бир неча бор кўнғироқлашганимиз-дан сўнггина зўрма-зўраки би-рор ходимини жўнатишарди. Бугун масъуларнинг ўзи жа-моатчилик билан мулоқот қи-лишга шошилмоқда.

Семинар бошланди. ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим му-дир Боймурод Юсупов сўзга чиқиб, боқимандалик кайфия-тини бартараф этиш, бу бора-да партия ташкилотлари ва де-путатлик бирлашмалари олди-да турган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Ўрганишлар натижасида айрим депутатлар сайловчилар билан алоқани узиб қўйгани, ўз округидаги ижтимоий вазият-дан бохабар эмаслиги маълум бўлди, — деди у. — Бу партия-

нинг нуфузи пасайишига олиб келади. Шу вақтга қадар бун-дай депутатларга чора кўриш борасида партияларда бирор қонуний ҳақ-хуқуқ йўқ эди. Жо-рий йилнинг 18 апрелида ва-киллик органлари билан боғ-лиқ қонунчилик қатор ўзгар-тишлар киритилди. Унга кўра, депутатлар нафақат сайловчи-ларнинг ишончини оқлаши бал-ки уни депутатликка номзод си-фатида кўрсатган сиёсий партия олдидаги мажбуриятла-ри ҳам белгилаб қўйилди. Акс ҳолда, уларнинг ваколати му-ддатидан олдинроқ тўхтатилиши мумкинлиги қайд этилди. Бу депутатлар энди ўз ҳолича юра олмаслигини, масъулиятини янада ошириши кераклигини аңглатади.

Ўзгаришлар асосида пар-тия гуруҳлари қўшимча ху-қуқларга ҳам эга бўлди. Улар-га туман, шаҳар ҳокимининг ёки тегишли маҳаллий ижро этувчи органлар мансабдор шахсларнинг қонқарсиз фа-олияти тўғрисида вилоят, Тош-кент шаҳар ҳокимига ҳулоаса тақдим этиш ваколати берил-ди. Шунингдек, депутатлар ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишга ҳам ҳақли бўлди. Бу депутатлар-нинг сайловчиларга берган

ваъдаларини амалга ошириш-ларида катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

— Чинозликлар меҳнаткаш, камтар, — деди **халқ депутат-лари Тошкент вилоят Кенга-ши депутати Аҳмадилло Худойбергенов**. — Жонидан ўтмаса, бирор кимсага дарди-ни айтмайди. Бунга яхши бил-ганим учун ҳам вақт бўлди де-гунча бирма-бир хонадонларга кираман. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қиламан. Уларни ўй-лантираётган масалаларни ёзиб олиб, мутасаддилар бил-лан бирга хал этишга урина-миз. Масалан, жойлардаги уч-рашувлар давомида таълим со-ҳасида ислохотлар оқсаётгани маълум бўлди. Ҳозир масала ижобий томонга очилган. Аҳоли бундан хурсанд. Тиббиёт бир-лашмасининг биноси янгида таъмирланган. Аммо кўпчилик тиббий хизмат сифатидан но-рози. Одамлар тез ёрдам ма-шиналарини соатлаб кўтишга мажбур бўлмоқда.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз ав-вало, кам таъминланган ва бо-қимандалик ўртасидаги фарк-ни аниқлаб олишимиз лозим. Боқиманда инсон давлатдан, атрофдагилардан кўп нарса ку-тади. Халқ тилида айтганда, бўйни ишга ёр бермайди. Эҳти-ёжманд инсон ўз ҳолатидан чи-қиб кетиш истагиди ёнади. Хар қанча меҳнатдан қочмайди, аммо бунга қўрби етмайди. Мазкур масалага ойдинлик ки-ритилса, имтиёзли кредитлар мақсадлилиги таъминланади. Бунинг учун қонун ҳужжатлари-га қўшимча меъёрлар киритиш,

жамоатчилик ва депутатлик на-зоратини кучайтириш талаб этилади.

— Жорий йилнинг биринчи чорадаги мажлисимизга 429 на-фар фуқаро иш бўйича му-ро-жаат қилган бўлса, шундан 323 нафарининг доимий бандлиги таъминланди, — деди **туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Санжар Зоҳидов**. — Бундан ташқари, сиёсий аҳолининг ҳақ тўланади-ган жамоат ишларига жалб қилиш амалиёти ҳам жорий этилган. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабат-лари вазирлиги қошида Жамо-ат ишлари жамғармаси фаоли-ятига тўхталиб ўтмоқчиман. Қарорга асосан эксперимент тарзида жамоат ишларини таш-кил этиш учун 2017 йилнинг охири чорада 84 миллиард, жорий йил учун 714 миллиард сўм маблағ ажратилди. Маълумот ўрнида: жамғарма белги-ланган тартибда ишсиз сифа-тида рўйхатдан ўтган, ҳақ тўла-надиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар иштироки-ни молиялаштиришни мақсад қилган. Буларнинг бари иш то-пишда қийналаётган эҳтиёж-манд аҳолини қўллаб-қувват-лашда муҳим аҳамият касб эта-ди.

Жорий йилнинг ўзида туман-имиз миқёсида 100 га яқин жамоат ишлари ташкил этил-ди. 47 нафар фуқаро маҳалла-лар кесимида ободонлашти-риш ишларига жалб қилинди. 23 хусусий корхона икки ойлик муддатда жамоат ишларини ташкил этишга ариза берган-

ди. Муддат якунига етгач, улар-нинг 22 нафари мунтазам ишга қабул қилинди. Мазкур хайри-ишлар жамғарма томонидан ту-манимизга ажратилган 3 мил-лиард 200 миллион сўмдан орт-иқ маблағ ҳисобига амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда кам таъ-минланган аҳолини қўллаб-қув-ватлаш мақсадида 4 фоизли кредитлар берилмоқда, — деди **«Ҳамкорбанк» туман бўлими раҳбари Абдужаббор Омарбоев**.

— Кўпчилик мазкур кредитни олиш учун «кимга чиқайлик?», «ким рўйхатни тезлаштиради?» дейишади. Шу фурсатдан фой-даланиб, бу жараёни банклар амалга оширмаслигини айт-моқчиман. Мазкур тизимда те-гишли тартиблар жорий этил-ган. Кредит олувчилар рўйха-тини ўзини ўзи бошқариш органлари шакллантириш бора-сида жойлардаги қасаба уюшма-лари бўлимларига тақдим этади. Махсус комиссия иштирокида рўйхатдаги инсонларнинг яшаш шароити обдон ўрганилади. Қасаба уюшмалари федераци-яси яна бир бор рўйхатни ўрга-ниб, кейин Марказий банк бўлиmlарига тавсия этади. Банк ходимлари фуқароларнинг хонадонларига бориб, бу ҳақда маълум қилишади. Кредитдан мақсадли фойдаланиш бораси-да маслаҳатлар берилади.

Тадбир якунида кам таъмин-ланган аҳоли вакилларига им-тиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топ-ширилди.

Махлиё АЛИКУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

«QO'YLIQ DEHQON BOZORI»

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Qo'yliq dehqon bozori» АЖ Кузатов кенгаши 2018 йил 16 май кун соат 11:00 да акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш жамият маъмурий биносида ўтади. Манзил: 100026, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фаргона йўли кўчаси., Бозор майдони. Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан 11:00 гача амалга оширилади.

Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун жамият акция-дорлари реестрини шакллантириш санаси — 2018 йил 26 апрель.

Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишида қат-нашиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини шакл-лантириш санаси — 2018 йил 10 май.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатов кенгаши-нинг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйи-ча қўрилаётган чора-тадбир-лар тўғрисидаги ҳисоботла-рини тинглаш.
2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудитор-лик текшируви ҳулоаси-ни қўриб чиқиш.
3. Жамият Тафтиш ко-миссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган маса-лалар, шу жумладан, жамия-тни бошқаришга доир қон-ун ҳужжатларида белгилан-ган талабларга риоя этили-ши юзасидан ҳулоаслари.
4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳи-сobotини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича соф фойдаси-ни тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2018 йил-га мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромад-лар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг директо-рини сайлаш.
8. Жамиятнинг Кузатов кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолди-риш.
11. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизим-ини баҳолаш натижалари-ни қўриб чиқиш.
12. Жамиятнинг ташки-лий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқ-лаш.

Акциядорлар умумий йи-ғилишида ёзма шаклда тузил-ган ишончнома асосида, жум-ладан, жисмоний шахс номи-дан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал та-ртибда тасдиқланган ҳолда, юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳ-ри билан тасдиқланган бўли-ши керак.

Маълумот учун телефон:
295-94-36, 295-93-66
Жамият кузатов кенгаши

ҲАЛОК БЎЛГАН АСКАРЛАР

сони шунчалик кўп эдики, фақатгина ўзбекистонлик Исҳоқов фамилиясидаги жангчиларнинг ўзи 200 тачани ташкил этарди...

Тошкентлик Исҳоқ отанинг тўрт ўли ва бир қизи бор эди. Уруш бошлангач, аввал Ямин ва Ғофир, кейин Қўчқор Исҳоқов фронтга жўнаб кетишди... 1942 йилнинг ёзида Ғофирдан, 1943 йилнинг кузида Қўчқордан, 1944 йилнинг кузида эса Яминдан қора хат келди. Фарзанд доғидан қуйиб, адоий тамом бўлган Исҳоқ чавандознинг кўзлари хиралашиб, кўрмай қолди. 1952 йилда у ҳам оламдан ўтди. Лекин вафоти олдида Қўчқорнинг бош фарзанди Абдуваҳобни қаҳириб, ёт ерларда қолиб кетган ўғилларининг қабрини топиб, уларнинг бир сиқим хокини келтириб ўз қабрига қўйишни васият қилди...



отаси Қўчқор Исҳоқовнинг қабрини топишда ёрдам беришларини сўради. Ҳарбий комиссар, подполковник Сергей Штефан жавонда турган, Ельня ҳудудида ҳалок бўлган жангчиларнинг сурати ёпиштирилган албомларни олиб столга қўйди. 14-альбомдан Қўчқор Исҳоқовнинг сурати топилиди. Кейин қарағайзор ўрмонда жойлашган биродарлик қабристонида боришди. Абдуваҳоб гуллар барқ уриб яшнаб турган қабрлар ичидан отасининг исм-шарифи ёзилган мармар тахтага юзини босиб, беихтиёр йиғлаб юборди. Унинг руҳи-покига Қуръон оятларидан тиловат қилишди, бобосининг васиятига кўра, хокидан бир сиқим туپроқ олди...

Абдуваҳоб Қўчқоров биродарлик қабристони тоза-озода сақланишига эътибор қаратаётган мактаб ўқувчилари, шу ерда жойлашган ҳарбий қисм аскарларига миннатдорлик билдирди. Ҳарбий комиссар Сергей Штефан суҳбат асноси-

да Ельня шаҳар маъмурияти гвардиячилар қабри устидаги мармар тахталарни янгилашни режалаштираётганини айтиб қолди. Шунда Абдуваҳоб Исҳоқов уларни Тошкент яқинидаги Ғазалкент қонидан қазиб олинган қизғин рангли гранит тошлар билан алмаштириш ҳақида таклиф киритди. Шундай қилиб, шаҳар маъмурияти сай-ҳаракати билан гвардиячиларнинг қабри тоши Ўзбекистондан олиб келинган гранит тошларга алмаштирилди...

Абдуваҳоб Исҳоқов Смоленск вилоятидан қайтиб келиб, ўзи туғилиб ўсган Дўмбироқ маҳалласи қабристонида бобосининг васиятини адо этди — унинг хокига отасининг қабридан олиб келган бир сиқим туپроқни қўшди, руҳини шод қилди. Кейин қариндош-уруғлари, маҳалла аҳлини жамлаб, эҳсон берди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
 «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЕМММ



Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
«Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси жамоаси:

— Халқимизни Хотира ва қадрлаш куни ҳамда касбдошларимизни 7 май — Алоқачилар касб байрами билан муборакбод этамиз!

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан табриклайди.



Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
 XALQ DEMOKRATIK
 PARTIYASI
 MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538, 11339 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22:55.

Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6